Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1986 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 74 (5. 965) • 1986 йил 31 март, душанба • Баҳоси 3 тийин.

## «МИР»—«ЛУЧ»—УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ КОСМИК ТЕЛЕВИЗИОН АЛОҚАСИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 29 март. (ТАСС). Космонавтлар Леонид Кизим ва Владимир Соловьев «Мир» орбитал станциясининг ичида учишни давом эттирмоқдалар.

Белгиланган программага мувофиқ бугун янги радиотехника системаси синаб кўрилди. Бу система кишн бошқарадиган комплекс Совет Иттифоқи территориясидан радио орқали алоқа боғланадиган зонадан ташқарида бўлган чоғида ретранслятор йўлдош орқали учишни бошқариш маркази билан экипажнинг пухта алоқа боғлашини таъминлашга имкон беради.

Икки томонлама алоқани синаб кўриш сеанси чоғида радио орқали хизмат сўзлашувларидан ташқари, космонавтлар телевизион репортаж ўтказдилар. Бу пайтда Ернинг геостационар орбитада бўлган сунъий йўлдоши «Луч» («Космос-1700»)дан ретранслятор сифатида фойдаланилди.

Янги комплекс радиотехник алоқа системаси мураккаб илмий-тадқиқот комплексини бошқариш имкониятларини анча кенгайтиришга, унинг ичидан олинадиган маълумотлар ҳажмини кўпайтириш ва оперативлигини оширишга имкон беради.

Ер атрофи орбитасидаги иш белгиланган программага мувофиқ ўтмоқда.

Космонавтлар Леонид Кизим ва Владимир Соловьев соғ-саломат, ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

## Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

# ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1986 йил 29 март куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг II пленуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев «КПСС XXVII съезди якунлари ва республика партия ташкилотининг съезд қарорларини бажариш борасидаги вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари И. Жабборов, Сирдарё область Сирдарё районидаги «Малик» совхози звено бошлиғи, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат Т. Б. Қирғизбоева, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. Т. Туропов, Марғилон «Атлас» аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси М. У. Каримова, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидов, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Н. Журавлев, Қорақалпоғистон АССР Амударё районидаги «Қиличбой» қишлоқ участка касалхонасининг врачи Г. Жумабоева, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов, Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министри М. С. Тошпўлатов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Қ. И. Лапкин, Наманган область Задарё район партия комитетининг биринчи секретари А. Аширов, Ўзбекистон ССР қурилиш министри А. Г. Маланников, «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори Л. П. Қаюмов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими сектор мудирининг ўринбосари И. Е. Пономарев, КПСС Марказий Комитети маъмурий органлар бўлимининг инструктори В. В. Садовский қатнашдилар.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тугатди.



## КПСС XXVII съезди қарорлари—ҳаётга

19 апрель—Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик куни

### Меҳнат байрамига ҳозирлик

«Ташсельмаш» заводи коллективи Москвадаги илғор саноат корхоналари коллективларининг В. И. Ленин туғилган куннинг 116 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш бўйича ташаббусини якдиллик билан қўллаб-қувватлади. Шу муносабат билан барча цехларда митинглар бўлиб ўтаяпти. Уларда машинасозлар шонли анъанага содиқ бўлиб қолишларини — ленинча коммунистик шанбаликда бир ёқадан бош чиқариб қатнашажакларини ва шу кунни юксак меҳнат унумдорлиги билан нишонлашларини изҳор этмоқдалар.

Заводнинг цехлари ва бўлинмаларида ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни коммунистик шанбаликка сафарбар этиш бўйича катта ташкилий ва тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Шанбаликни ташкил этиш штаби тузилди. Тахминий ҳисобларга қараганда, шанбаликда 300 дан ортиқ бригада, 6 мингдан ортиқ ишчи, инженер-техник ходим, хизматчи қатнашади.

Шанбаликни ўтказиш бўйича штаб ўз мажлисида оммавий сафарбарликка эришиш ва иш жойларидан тўла фойдаланиш мақсадида ленинча коммунистик шанбаликни икки иш кунида ўтказишга қарор қилди. Иккинчи сменада ишлайдиган ишчилар коммунистик шанбаликка ўн иккинчи апрелда, бошқалар эса 19 апрелда чиқишади.

Коммунистик шанбалик куни чинакам меҳнат байрамига айланади. Ишчилар ўз иш жойларида, инженер-техник ходимларнинг бир қисми станокларда, қолганлари ортиш-тушириш ишларида, омборда меҳнат қилишади ва корхона территориясини ободонлаштириш билан шуғулланишади.

Шанбаликда 120 минг сўмликдан ортиқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шу куни ишлаб топилган 17 минг сўмга яқин иш ҳақи ўн иккинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Ўз меҳнат анъаналарига содиқ бўлган қуювчилар алоҳида ғайрат билан меҳнат қилиб, ажойиб меҳнат намунасини кўрсатишни мақсад қилиб қўйишди. Шу куни улар топшириқдаги 90 тонна ўрнига 100 тонна қора чўян топширишади. Бу маҳсулотнинг ярмидан кўпи тежаб қолинган материаллар ҳисобидан ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон Компартияси XXI съезди делегати О. Карпова бошлиқ бригада пахта териш машиналари учун мингтадан ортиқ шпиндель тайёрлайди. В. Мирошниченко, Г. Яковенко бошлиқ силлиқловчилар бригадалари 800 тадан деталь тайёрлашади. Бу планда белгиланганидан 150 та кўпдир.

Чўянга механик ишлов беришга ихтисослашган А. Фогель бошлиқ бригада аъзолари 20 та машина-комплектга етадиган деталь тайёрлаб, беш йиллик фондига 500 сўмдан ортиқ иш ҳақи ўтказишга аҳд қилдилар. Д. Атаманов бошлиқ бригада эса пахта териш машиналари учун бешта рама тайёрлайди. Бу маҳсулотни тежалган электр қуввати, пайвандлаш симлари билан ишлаб чиқаради.

Ташсельмашликлар В. И. Ленин туғилган куннинг 116 йиллигини фидокорона ва зарбдор меҳнат билан нишонлашга қатъий аҳд қилиб қўйишди. Аслида «Буюк почин»нинг моҳияти ҳам жамият фойдасига беминнат хизмат қилиб, энг юксак меҳнат унумдорлигига эришишдан иборатдир.

В. КАРИМОВ.

### Юқори суръатда

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўн иккинчи беш йилликни муҳим ўзгаришлар, салмоқли меҳнат ютуқлари даврига айлантириш учун кенг миқёсда кураш олиб боряпти. Ўтган йил натижалари бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби бўлган тракторсозлар янги беш йилликнинг биринчи йилида ҳам юқори суръатлар билан меҳнат қилишяпти. Коллектив биринчи квартал учун белгиланган топшириқни муддатидан илгари адо этди. Йил бошидан бери 8 мингтага яқин трактор, 9 мингтадан ортиқ прицеп ишлаб чиқарилиб буюртмачиларга юборилди.

Кейинги даврда корхонада фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ошириш, технологик ускуналар паркининг сифат жиҳатидан яхшиланишига эътибор кучайди. Бу борада айниқса янги беш йилликда катта режалар амалга оширилади. Бирлашмани техник қайта қуроллантиришга янги беш йилликда 35 миллион сўмликка яқин маблағ сарфланади. Бу ўтган беш йилликдагидан 11 миллион сўмлик кўпдир. Амалга ошириладиган бу тадбирлар ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, қишлоқ хўжалиги учун тайёрланаётган техника воситаларини ҳар жиҳатдан сифатли ва мустаҳкам қилиш учун қўшимча имкониятларни юзага келтиради.

### Тюмень нефтчилари учун

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида Тюмень нефтчилари учун иссиққа чидамли кабелларнинг 20,7 километр миқдордаги биринчи туркуми ортиб жўнатилди.

Нефтчиларнинг масъулиятли топшириғини бажариш мақсадида Тошкент кабель саноати институтининг бош заводида қисқа муддатда улар яратган фторопласт изоляцияси бўлган кабель конструкциясини ишлаб чиқариш технологияси яратилди. Бир пайтнинг ўзида бирлашма бош заводида вулканизация қилинган полиэтилен билан изоляцияланган кабель тайёрлашга киришилди. Бунда кабель саноати илмий-тадқиқот институти лаборатория бошлиғи С. Кузьминов, институт тажриба заводи изолировкачилари О. Бурлев, Х. Раҳимов, бош завод катта мастери А. Болотин, қўрғошинловчилар А. Мухторов ва Х. Мирзааҳмедов, бронировкачи В. Горшков ва бошқалар катта хизмат кўрсатишди.

Ҳадемай республикамиз кабелчилари маҳсулоти Ғарбий Сибирнинг табиий бойликларини ўзлаштиришга хизмат қила бошлайди.

### Ўзбекистон билан танишув

ВЦСПС таклифига биноан Совет Иттифоқига, келган Афғонистон Касаба союзлари марказий кенгашининг делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишди. Меҳмонлар республика касаба союз ташкилотлари фаолияти, маданият марказлари ва спорт иншоотларининг иши билан танишдилар. Улар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Афғонистон касаба союз арбоблари Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлдилар, колхозга сафар қилдилар.

АДРдан келган меҳмонлар Узсовпрофда қабул қилинди.

### Оммавий-мудофаа ишлари ҳафталиги

Республикада оммавий-мудофаа ишлари ҳафталиги бошланди. Ҳафталик Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Ҳафталик ҳарбий учувчи бўлишга аҳд қилган тошкентлик мактаб ўқувчиларининг Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, СССР Қуролли Кучларининг офицерлари билан учрашувидан бошланди.

Оммавий-мудофаа ишлари ҳафталигини ўтказишдан мақсад—республика ўқув юртларида, ДОСААФ ташкилотларида, корхоналар ва қурилишларда ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашни кучайтиришга кўмаклашишдан иборат. Бошланғич ҳарбий таълим, ДОСААФ бошланғич ташкилотларининг раҳбарлари иш тажрибасини ўртоқлашиб, уни яхшилашнинг конкрет йўлларини белгилайдилар. Уруш ва меҳнат қаҳрамонлари, запасдаги офицерлар ҳарбий қисмларга борадилар.

(ЎзТАГ).

## Янги мавсум тараддуди

**Ҳадемай пойтахтимиз маданият ва истироҳат боғларида янги мавсум бошланади. Ҳозир Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси дам олиш зонасида ҳам сўнгги тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Яшил зонада бу йил қатор бунёдкорлик ишлари олиб борилиб, маданий хизмат кўрсатишнинг қатор янги тармоқлари йўлга қўйилади. Зона директори А. Мажидов бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:**

— Ҳар сафаргидек бу йил ҳам боғимиз коллективи меҳнаткашларга намунали маданий хизмат кўрсатишни планлаштирди, — дейди у. —Бунда зона территориясида ишлаб турган қироатхона, клуб, турли аттракционларнинг роли катта бўлади, албатта. Ўтган йили бундай аттракционлардан тўрттаси фойдаланишга топширилган эди. Янги мавсумда ана шу «Доиравий обзор», «Солнишко», «Березка» аттракционлари фаолияти янада кенгайтирилади.

Яқин орада қуриб битказиладиган ёзги кинотеатр дам олувчиларга яхши совға бўлади. Замонавий кино қурилмаларига эга бўладиган мазкур кинотеатрнинг томоша зали 850 кишига мўлжалланган.

Катта ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга маданий-оқартув ва спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказишга алоҳида аҳамият берамиз. КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори зона коллективи учун дастурилламал бўлиб қолди. Ҳозир бизда стол тенниси майдончаси, отиш тири бор. Шахмат-шашка клуби, спорт-соғломлаштириш майдончаси, қайиқ станцияси ремонтдан чиқарилмоқда.

Келгусида спорт-соғломлаштириш объектлари кўпаяди. Янги мавсум бошланиши билан зонада иккита волейбол, битта баскетбол майдончаси очилади. Бадминтон ўйини учун алоҳида майдонча ажратилди.

Боғнинг собиқ пляжи ўрнида спорт майдончаси бунёд этилади. «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти билан биргаликда ташкил қилинаётган бу объектда турли спорт мусобақалари ўтказилади.

Оммавий маданий-спорт комплексларимизда спорт тадбирларини ўтказиш борасида маълум тажрибалар тўпланди. Янги мавсумда болалар спорт-ўйин байрамлари, район енгил атлетика эстафеталари, «Спорт бизга куч-қувват бахш этади» мавзуида оилавий дам олиш кунлари, «Спорт ва меҳнат бир-бирига ҳамдам» спорт байрами каби тадбирларни бу йил ҳам амалга оширамиз. Шунингдек, полвонлар, боксчилар, гимнастлар ва акробатларнинг намунали чиқишлари уюштирилади.

## Ватан мадҳи

Кейинги вақтда жонажон партиямизни, совет халқини, тинчликни, фаровон ҳаётимизни мадҳ этувчи қатор янги музика асарлари яратилди. Республикамиз композиторлари ижодига мансуб бу асарлар орасида жозибадор қўшиқлар, кантата, оратория ва симфониялар бор.

Таниқли композитор М. Насимов ҳам шу мавзуда қатор музикалар ёзди. Атоқли адиб Ойбекнинг «Менинг овозим» номли шеъри санъаткорга илҳом бахш этди. Хор ижроси учун тайёрланган бу қўшиқ жанговарлиги, ёрқин оҳанги билан ажралиб туради.

Композиторнинг янги кантатаси учун эса шоир Ҳ. Ғуломнинг «Жаҳонга тинчлик» шеъри асос бўлди. Унда ҳам санъаткор ижодига хос хусусият яққол кўзга ташланиб, кўтаринки оптимистик руҳ ўз бадиий ифодасини топди.

Бу ижод намуналари жонажон партиямизнинг XXVII съездига бағишланган асарлар қаторида ижобий баҳо олди.



## Тошкент. 1986 йил 30 март

### Хотира куни

**КЕЧА**

Тошкентда ҳам биринчи марта Хотира куни ўтказилди. Минглаб тошкентликлар — уруш ва меҳнат ветеранлари, саноат корхоналари ва ташкилотларининг ишчи ва хизматчилари, студентлар ва мактаб ўқувчилари биз учун муқаддас бўлган жойларда: В. И. Ленин номидаги майдон, 14 Туркистон комиссарларининг янги мемориали, Парадлар хиёбонидаги Номаълум солдат қабри, Коммунарлар хиёбони, Форобий кўчасидаги қабристон ва Волгоград кўчасидаги ҳарбий қабристонда, Ватанимизнинг шонли ўғил ва қизлари қўйилган бошқа жойларда бўлишди, заминда хайрли из қолдирган қариндош-уруғлари ва яқинларининг хотирасини ёд этишди.

Кеча ҳар бир оилада, ҳар бир уйда Ватанимизнинг бугунги ёрқин куни учун жонбозлик кўрсатганларни эсладилар, совет халқининг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари ҳақида фарзандларига ва невараларига сўзлаб бердилар.

Т. Каримов фоторепортажи.

## Шаҳримиз ва мамлакатимиз спорт майдонларида

### «Бинокор» — «Звезда» (Оленегорск)—1:2

**КЕЧА**

Тошкентнинг «Бинокор» хоккейчилари ўз майдонларида ғарбий зона аутсайдерларидан бири — «Звезда» коллективини қабул қилиб, 1:2 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Ҳамшаҳарларимиз учрашув давомида катта устунликка эга бўлишларига қарамай, қулай вазиятлардан фойдалана олмадилар. Меҳмонлар эса ана шундай имкониятларни бой беришмади.

**БУГУН**

«Юбилей» марказий спорт залида мазкур командалар такрор куч синашадилар.

### «Пахтакор» — «Помир» (Душанбе) — 0:0

**КЕЧА**

Марказий «Пахтакор» стадионида биринчи лига командалари ўртасида 49-мамлакат чемпионатининг дастлабки учрашувида Тошкентнинг «Пахтакор» ва Душанбенинг «Помир» командалари куч синашдилар. Ҳар икки команданинг барча ҳаракатларига қарамай, учрашувда ҳисоб очилмади.

Пахтакорчилар навбатдаги тур учрашувини ҳам ўз майдонларида ўтказадилар. 2 апрель куни улар «Кузбасс» (Кемерово) коллективини қабул қиладилар.

* * *

Биринчи лига командаларининг шу турдаги бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Карпати» — «Даугава»—2:4, «Нистру» — «Атлантас»—1:0, «Гурия»— АСК (Ростов-Дон)—2:0, «Спартак» (Оржоникидзе) —«Кубань» — 1:0, «Ротор» — «Локомотив»—0:2, МАСК—«Факел» —3:2, «Ростсельмаш» —«Котайк»—2:0, «Динамо» (Ставрополь) —«Динамо» (Ботуми) —0:0, «Колос» — «Искра» —2:0, «Металлург» — «Шинник» — 0:0.

